



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616.831-001-053.2:611.8

## БОЛАЛАР БОШ ТУЗИЛМАЛАРИ АНАТОМО – ФИЗИОЛОГИК ХУССИЯТЛАРИНИНГ МЕХАНИК ЖАРОХАТЛАНИШЛАР ШАКИЛЛАНИШИГА БОҒЛИҚЛИК ЖИХАТЛАРИ

Сагдуллаев Н.Н.<sup>1\*</sup>, Индиаминов С.И.<sup>2</sup>, Нурисломов А.Ф.<sup>3</sup>, Юнусова Н.У.<sup>4</sup>, Суюнова С.А.<sup>5</sup>



Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали ва РСТЭИАМ Сурхондарё филиали,  
Термиз ш. Ўзбекистон<sup>1\*</sup>

E-mail: [narzullatmatb91@gmail.com](mailto:narzullatmatb91@gmail.com); ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-7844-3715>; тел:  
+99894-288-50-51;

Зармед университети, Самарқанд ш. Ўзбекистон<sup>2</sup>

E-mail: [sayit.indiaminoy@bk.ru](mailto:sayit.indiaminoy@bk.ru); ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-9361-085x>; тел: +99893-  
337-10-90;

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети, Термиз ш. Ўзбекистон<sup>3</sup>

E-mail: [nurislomovamiriddin@gmail.com](mailto:nurislomovamiriddin@gmail.com); ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-7972-2802>; тел:  
+998 88 213 99 99;

Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали, Термиз ш. Ўзбекистон<sup>4</sup>

E-mail: [nargiza.yunusova.1995@bk.ru](mailto:nargiza.yunusova.1995@bk.ru); ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-5914-9498>; тел:  
+99899-578-79-69;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд тиббий экспертиза  
илмий-амалий маркази Сурхондарё филиали, Термиз ш. Ўзбекистон<sup>5</sup>.

E-mail: [suyunovas769@gmail.com](mailto:suyunovas769@gmail.com); tel: +99899-626-47-22.

**Калит сўзлар:** болалар, биологик ёш тоифалари, бош тузилмалари, анатоми – физиологик хуссиятлари, жароҳатланишлар, морфологияси, хусусиятлари, диагностикаси, аҳамияти.

### Аннотация.

Мақолада ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашув натижасида жароҳат олган 105 нафар боланинг ўсиши ва ривожланишининг турли ёш тоифаларида бош тузилмалари жароҳатланишининг морфофункционал хусусиятлари баён этилган. Автомобиль жароҳатининг ушбу турида биринчи болалик (13,3%) ва ўспиринлик (2,9%) ёшдаги болаларга нисбатан, иккинчи болалик (55,2%) ва ўсмирлик ёшидаги (28,6%) болалар кўпроқ жабрланганлиги қайд этилди. Болаларда бошнинг юмшоқ қопламлари, суяклари ва бош мия тўқималарининг тузилмалари биомеханикаси уларнинг ўсиши ва ривожланишининг ҳар бир ёш даврида бош мия жароҳатининг табиати, кўлами, оғирлиги, морфологияси, шунингдек, кечув жиҳатларига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Келтирилган маълумотлар жароҳатланган болаларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш, шунингдек, болаларнинг ўсиш ва ривожланиш ёш даврларини ҳисобга олган ҳолда бошнинг таркибий элементлари жароҳатланиш механизмини суд-тиббий жиҳатдан асослаш учун муҳим аҳамиятга эга.



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

## РОЛЬ АНАТОМО-ФИЗИОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ СТРУКТУР ГОЛОВЫ У ДЕТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ МЕХАНИЧЕСКИХ ТРАВМ

*Sagdullaev N.N.<sup>1\*</sup>, Indiaminov S.I.<sup>2</sup>, Nurislomov A.F.<sup>3</sup>, Yunusova N.U.<sup>4</sup>, Suyunova S.A.<sup>5</sup>*

*Термизский филиал Ташкентского государственного медицинского университета и  
Сурхондаринский филиал РНПЦ СМЭ МЗ РУз, Узбекистан, г. Термиз<sup>1\*</sup>*

*E-mail: [narzullatmatb91@gmail.com](mailto:narzullatmatb91@gmail.com); ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-7844-3715>; тел:  
+99894-288-50-51;*

*Зармед университет, Узбекистан, г. Самарканд<sup>2</sup>,*

*E-mail: [sayit.indiaminov@bk.ru](mailto:sayit.indiaminov@bk.ru); ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-9361-085x>; тел: +99893-  
337-10-90;*

*Термезский университет экономики и сервиса, Узбекистан, г. Термиз<sup>3</sup>,*

*E-mail: [nurislomovamiriddin@gmail.com](mailto:nurislomovamiriddin@gmail.com); ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-7972-2802>; тел:  
+998 88 213 99 99;*

*Термизский филиал Ташкентского государственного медицинского университета,  
Узбекистан, г. Термиз<sup>4</sup>*

*E-mail: [nargiza.yunusova.1995@bk.ru](mailto:nargiza.yunusova.1995@bk.ru); ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-5914-9498>; тел:  
+99899-578-79-69;*

*Государственный судебный эксперт выше категории, Сурхондаринского филиала РНПЦ  
СМЭ МЗ РУз, Узбекистан, г. Термиз<sup>5</sup>.*

*E-mail: [suyunovas769@gmail.com](mailto:suyunovas769@gmail.com); тел: +99899-626-47-22.*

**Ключевые слова:** дети, биологические возрастные категории, структуры головы, анатомо-физиологические свойства, травмы, морфология, особенности, диагностика, значение.

### Аннотация.

В статье описываются морфофункциональные особенности повреждений структур головы в различных возрастных категориях роста и развития 105 детей, получивших травмы в результате столкновения с движущимися автомобилями. Отмечено, что при данном виде автомобильного травматизма чаще пострадали дети второго детского возраста (55,2%) и подросткового возраста (28,6%), чем дети первого детского (13,3%) и подросткового (2,9%) возраста. Установлено, что биомеханика структур мягких оболочек головы, костей и тканей головного мозга у детей в каждом возрастном периоде их роста и развития оказывает существенное влияние на характер, масштаб, тяжесть, морфологию, а также аспекты течения черепно-мозговой травмы. Приведенные данные имеют важное значение для ранней диагностики и определения тактики лечения детей с травмами, а также для судебно-медицинского обоснования механизма повреждения структурных элементов головы с учетом возрастных периодов роста и развития детей.

## THE INFLUENCE OF ANATOMICAL AND PHYSIOLOGICAL FEATURES OF PEDIATRIC HEAD STRUCTURES ON THE FORMATION OF MECHANICAL INJURIES

*Sagdullaev N.N.<sup>1\*</sup>, Indiaminov S.I.<sup>2</sup>, Nurislomov A.F.<sup>3</sup>, Yunusova N.U.<sup>4</sup>, Suyunova S.A.<sup>5</sup>*

*Termez Branch of the Tashkent State Medical University and Surkhondaryya Branch of the RSCEME  
of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Uzbekistan, Termez city<sup>1\*</sup>,*

*E-mail: [narzullatmatb91@gmail.com](mailto:narzullatmatb91@gmail.com); ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-7844-3715>; tel:  
+99894-288-50-51;*

*Zarmed University, Uzbekistan, Samarkand city<sup>2</sup>,*



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

*E-mail: sayit.indiaminov@bk.ru; ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-9361-085x>; tel: +99893-337-10-90;*

*Termez University of Economics and Service, Uzbekistan, Termez city<sup>3</sup>,*

*E-mail: nurislomovamiriddin@gmail.com; ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-7972-2802>; tel: +998 88 213 99 99;*

*Termez Branch of the Tashkent State Medical University, Uzbekistan, Termez city<sup>4</sup>,*

*E-mail: nargiza.yunusova.1995@bk.ru; ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-5914-9498>; tel: +99899-578-79-69;*

*State forensic expert of the highest category of the Surkhandarya branch of the RNPCME of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Uzbekistan, Termez city<sup>5</sup>.*

*E-mail: suyunovas769@gmail.com; tel: +99899-626-47-22.*

**Key words:** children, biological age categories, head structures, anatomical and physiological properties, injuries, morphology, characteristics, diagnosis, significance.

## **Abstract.**

The article describes the morphofunctional characteristics of head structure injuries in various age categories of growth and development of 105 children injured in collisions with moving vehicles. In this type of traffic injury, children of the second childhood (55.2%) and adolescence (28.6%) were more frequently injured than children of the first childhood (13.3%) and adolescence (2.9%). It was established that the biomechanics of the structures of the soft surfaces, bones, and brain tissues in children significantly influences the nature, extent, severity, morphology, and course of traumatic brain injury at each age stage of their growth and development. The presented data are of great importance for the early diagnosis and determination of treatment tactics for traumatized children, as well as for the forensic justification of the mechanism of injury to the structural elements of the head, taking into account the age periods of growth and development of children.

## **Мавзунинг долзарблиги.**

Болалар жароҳатлари таркибида бош мия жароҳатлари - БМЖ (40% гача) етакчи ўринни эгаллайди, улар аксарият ҳолларда (тахминан 75%) енгил шаклларга эга бўлиб, ривожланмаган мия шикастланиши ва бола миясининг юқори компенсатор қобиляти билан боғлиқ. Шу муносабат билан, бош мия жароҳати оқибатлари дарҳол эмас, балки маълум вақт ўтгач намоён бўлиши мумкин, бу эса болалар ва уларнинг ота-оналарининг тиббий ёрдамга кечикиб мурожаат қилишига сабаб бўлади. [4; 3; 2].

Болаларда бош тузилмаси ўзига хос анатомик-физиологик хусусиятларга эга бўлиб, уларга калла суякларининг эластиклиги ва ҳаракатчанлиги, чоклар ва лиқилдоқларнинг мавжудлиги, бош мия тўқимасининг етилмаганлиги ва юқори гидрофиллиги, шунингдек, нисбатан кенг субарахноидал бўшлиқлар ва қон томир тонуси бошқарувининг ўзгарувчанлиги киради. Бош тузилмаларининг бу хусусиятлари болаларда бош жароҳатларининг узок вақт давомида белгиларсиз кечишини таъминлаши мумкин, кейинчалик мия шиши ва дислокацияси туфайли неврологик бузилишларнинг тез кўпайиши кузатилади. [5; 1; 2].

Болаларда бош тузилмалари жароҳатларини суд-тиббий баҳолашда комплекс ёндашув зарур бўлади ва энг аввало, жароҳатнинг механогенезини, шунингдек, бола организмнинг анатома-физиологик хусусиятларини, ҳамда бош тузилмаларида травматик ўзгаришлар шаклланишининг биомеханик омилларини ва боланинг ўсиш ва ривожланиши ёш гуруҳини ҳисобга олиш зарур бўлади.

**Тадқиқот мақсади** – турли биологик ёш тоифасидаги болаларнинг ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашуви оқибатида юзага келган бош тузилмалари



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

жароҳатланишларининг морфофункционал хусусиятларини аниқлаш ва жароҳатланиш шакилланиш механизмини суд-тиббий жиҳатдан асослашдан иборт.

## **Тадқиқот материаллари ва методлари.**

Ҳаракатдаги автомашиналар билан тўқнашув натижасида жароҳатланган 105 нафар турли биологик ёш тоифасидаги болаларга доир ўтказилган суд-тиббий экспертиза натижалари ва травма тафсилотлари таҳлил қилинди. Бунда, ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда –болаларнинг жароҳатланиш ҳолатларида кўп учрайдиган ҳолат, яъни автомобилнинг олд қисми билан бола танасининг орқа юзасига тўғри йўналган фронтал-марказий тўқнашув ҳолатлари танлаб олинди. Жароҳатланган болаларнинг ёш тоифалари бўйича қуйдагича тақсимланди: 4-7 ёш (14 та); 8-12 ёш (58 та); 13-16 ёш (30 та); 17-21 ёш (3 та).

Болалар ўсиш ва ривожланишининг ҳар бир биологик ёш тоифаси кесимида бошнинг қуйида баён этилган анатомик тузилмаларида мавжуд бўлган жароҳатланишларнинг клиник кечув жиҳатлари ва морфологик тавсифлари ўрганилди: бош ва юз қисмларининг ташқи қоплама тўқималарида; бошни ташкил қилувчи суяклари, пластинкалари, суяк усти пардаси ҳамда суяклар орасидаги анатомик битишмаларида; мия пардаларида, шунингдек, пардалар устки ва ости қаватларида; бош миянинг катта ярим шар тузилмаларида; мия ўзани тузилмаларида; бош мия қоринчаларида; бош асос қисмидаги суяклари. Жароҳатланган болаларда миянинг функционал бузилишларининг клиник кўринишларини аниқлаш, масалан, бош мия чайқалиши ва лат ейишлар тиббий ҳужжатлар таҳлилига асосланди. Баъзи ҳолларда тор соҳа мутахассислар – болалар нейрохирурги ва кўз шифокорлари билан маслаҳатлашилди. Бош тузилмалари жароҳатининг узоқ муддатли оқибатлари амбулатор тиббий карта маълумотларига мувофиқ аниқланди. Миқдорий кўрсаткичлар вариацион статистика доирасида статистик таҳлил қилинди. Минимал хатолик ( $m$ ), кўрсаткичларнинг ишончилиги ( $t$ ) ва уларнинг фарқлари ( $p$ ) ўзгарувчанлик даражаси аниқланди.

## **Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.**

Автомобиллар билан тўқнашув оқибатида жароҳатланган пиёда болаларнинг барча ёш тоифаларида бош тузилмасининг жароҳатланиши кўпинча оёқ-қўллар тузилмалари билан (105 та ҳолатдан 35 таси), сўнгра юз қисми тузилмаси жароҳатлари (105 тадан 14 таси) ва юз қисми ҳамда оёқ-қўллар тузилмасининг жароҳатлари (105 тадан 23 таси) билан бирга кечди. Бош тузилмасининг алоҳида жароҳатланиши 105 тадан 12 та ҳолатда кузатилди. Айрим ҳолатларда бош тузилма жароҳатлари кўкрак қафаси, қорин, оёқ-қўллар, баъзан эса умуртқа поғонаси ва чанок жароҳатлари билан ҳам бирга келганлиги қайд этилди.

Пиёда–болаларнинг ёш гуруҳлари кесимида бош тузилмалари жароҳатланиш морфологик хусусиятлари таҳлил қилиш натижаси қуйидагиларни кўрсатди:

**биринчи ёш гуруҳи (4–7)** пиёда–болаларида–бош ва юз қопламаларида кўпчилик ҳолатларда ёпик жароҳатланишлар аниқланган, яъни юмшоқ тўқима латли-эзилиши, қонталашлар, гематомалар ва шилинмалар кўринишида кузатилди. Яралар эса сезиларли даражада кам ҳолатларда аниқланган. Калла гумбаз суякларида чизиксимон, асосан анатомик чоклар яқинида, қисқа радиар чизикли синишлар билан чегараланган. Синишлар барча ҳолатларда бош миянинг оғир даражадаги лат ейиши билан бирга кечган, айрим ҳолларда эса зарба соҳада эпидураль гематома аниқланган. Юз тузилма суякларидан, бурун суягининг синишлари ва ёрилишлари шунингдек кўз орбита деворлари орқали пешона суягида чизикли синиш қайд этилган. Суяклар синишсиз кечган шикастланишда деярли барча болаларда бош мия чайқалиши ёки унинг турли даражадаги лат ейишлари билан кузатилган. Жароҳат олган бу ёшдаги болаларда меҳнат қоблятининг тикланиш муддати бош мия лат ейишларида 5-7 кундан 10-12 кунгача, бош мия чайқалиши ҳолатида эса 2-3 кундан 5-7 кунгача бўлган. Жароҳатнинг узоқ муддатли натижалари қониқарли бўлган;



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**иккинчи ёш гуруҳидаги (8-12 ёш)** пиёда–болаларида, олдинги ёш тоифаларидаги пиёда–болаларга нисбатан, бош ва юзнинг ташқи қопламаларида латли-яралар пайдо бўлиши сезиларли даражада ошганлиги кузатилган. Шунингдек, бош суякларидида синишлар ва бош мия жараҳатлари оғирлиги ва кўлами ҳам ортиб борган. Гумбаз суякларининг синишлари кўпинча эпидураль ва субдурал гематомалар билан бирга кечган. Бош миянинг оғир ва ўрта даражадаги лат ейишларнинг алоҳида даврларида салбий оқибатлар кузатилган. Бош мия чайқалиши ҳолатида болаларда меҳнатга лаёқатликнинг тикланиш муддати 7-9 кундан 10-12 кунгача, лат ейиш ҳолатида эса 12-14 кундан 16-18 кунгача бўлган;

**эрта ўсмирлик (13-16 ёш)** ёшидаги пиёда–болаларнинг ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашуви натижасида жароҳат олганлар орасида бош ва юз қопламаларида ёпиқ жароҳатланишлари устунлик қилди, фақат айрим ҳолларда латли яралар кузатилди. Бош миянинг ёпиқ травмалари — мия чайқалиши, суякларининг синиши билан кечадиган лат ейиш синишсиз кечган лат ейишга нисбатан кўпроқ учради. Меҳнат қобилиятини тиклаш муддати 17–19 кунни ташкил этди;

**ўсмирлик ёшидаги (17-21 ёш)** пиёда–болалар орасида 2 нафар болада бош қопламаси ёпиқ жароҳатланишлари, яъни қонталашлар, гематомалар, қон қуйилишлари, шилинмалар ва юмшоқ тўқималарнинг эзилишлари мавжуд бўлиб, бир нафар ўсмирда ёпиқ жароҳатлар билан бирга, пешона соҳада эзилиб йиртилган яра қайд этилган, юз териси ва унинг тузилмаларида жароҳатлар аниқланмади. Бир ҳолатда бош суякларининг ўнг томон чакка-тепа соҳасида чизиқсимон синиш билан бирга оғир даражадаги мия лати, пневмоцефалия билан асоратланиш аниқланди. Бошқа бир ўсмир болада суяклар синишсиз мия латини ўрта даражаси, ва яна бирида бош мия чайқалиши кузатилган. Меҳнат қобилиятини тиклаш муддати мия чайқалиши учун 12-15 кун, ўрта даражадаги мия лати учун 20-22 кун, оғир даражадаги мия латида учун эса 25 кундан кўпроқ вақт талаб этилган.

Spencer K. ва бошқалар (2021) шафқатсиз ва тасодифий жароҳатларда бош суяги чоклари ҳамда бош суяги синишлари частотасини баҳолаш мақсадида 2012-2019 йиллар оралиғида болалар шифохонасининг нейрохирургия бўлимида бош тузилмалари жароҳатланган болаларда ўтказилган бош КТ текширувларининг ретроспектив таҳлилини ўтказдилар. Таҳлилда 57 та қасддан бош суяги синган 47 нафар ва 54 та тасодифий бош суяги синган 47 нафар болаларнинг текширув натижалари баҳоланди. Жароҳатланганларнинг ёши 1 ойдан 36 ойгача бўлган. Бош суягининг 51 та ҳолатдаги синишлари (89%) бош суяги чокларида яқунлангани қайд этилган: 51 тадан 35 таси (69%) икки ёки ундан ортиқ чокларга, 12 таси эса уч ёки ундан ортиқ чокларга туташган. 54 та (78%) тасодифий бош суягининг синишининг 42 тасидан фақат 3 таси (7%) иккита чокга таъсир қилган ва ҳеч бири иккитадан ортиқ чокга таъсир қилмаган ( $p < 0,001$ ). Синиш чизиғининг энг кўп алоқада бўлганлиги лямбдасимон (43%;  $p < 0,04$ ) чоклар бўлди, ундан кейин сагитал (23%), коронал (21%), чакка-ясси (12%) ва метопик (1%) чокларда кузатилган. Муаллифларнинг аниқлашича, бош чаноғи чокларига туташиб синишлар кўпинча болаларда бошнинг шафқатсиз ва тасодифий жароҳатларида учрайди. Бирок, синишнинг икки ёки ундан ортиқ бош суяги чокларига тегиб тугаши илгари тавсифланмаган тасвирлаш натижаси бўлиб, тасодифий бош жароҳатига қараганда шафқатсиз муомала билан сезиларли даражада юқори боғлиқликка эга бўлган [6].

Michelle J. Haydel ва бошқаларнинг (2024) фикрига кўра, болалардаги бош мия жароҳатланишларини зарба пайтида юзага келадиган бирламчи ва иккиламчи шикастланиш сифатида кўриб чиқиш мумкин. Иккиламчи шикастланишлар эса интракраниал гематомалар, шиш, яллиғланиш, ишемия, вазоспазм ва гипоксемия каби оқибатларнинг комбинацияси натижасида юзага келиши мумкин [7].

**Хулоса.**



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

1. Автомобиль жароҳатининг ушбу турида биринчи болалик (13,3%) ва ўспиринлик (2,9%) ёшдаги болаларга нисбатан, иккинчи болалик (55,2%) ва ўсмирлик ёшидаги (28,6%) болалар кўпроқ жабрланганлиги қайд этилди.

2. Болаларда бошнинг юмшоқ қопламлари, бош суяги ва бош мия тўқималарининг биомеханикаси, уларнинг ўсиши ва ривожланишининг ҳар бир ёш даврида, бош мия жароҳатининг табиати, қўлами, морфологияси, шунингдек, кечиши ва натижасига сезиларли таъсир кўрсатади.

3. Келтирилган маълумотлар асосида жароҳатланган болаларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш, шунингдек, болаларнинг ўсиш ва ривожланиш ёш даврларини ҳисобга олган ҳолда, бош тузилмаларининг жароҳатланиш механизмини суд-тиббий жиҳатдан асослашда инобатга олиниши лозим.

## Адабиётлар.

1. Гохман Е.А., Гузева В.И., Гузева О.В., Гузева В.В., Касумов В.Р., Касумов Р.Д., Комплексная оценка клинико-инструментальных данных для обоснования тактики оперативного лечения больных с резистентными формами эпилепсии., 2016. Т. 23. № 3. С. 51–55// <https://doi.org/10.24884/1607-4181-2016-23-3-51-55>;

2. Гузева В.И. с соавт. Осложнения и последствия черепно-мозговой травмы у детей-обзор состояния вопроса. // Журнал Современные проблемы науки и образования. 2022. № 4 URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=31791>//DOI: <https://doi.org/10.17513/spno.31791> С 16-31;

3. Орел В.В., Медико-социальные аспекты последствий черепно-мозговой травмы у детей. // 2020. Т 5, №2. С. 11-18. <https://ojs3.gpmu.org/index.php/medorg/article/view/2411/2411>;

4. Смирнова Л.В., Смирнова О.Ю., Обухова С.С., Дунаева М.П. Отдаленные последствия черепно-мозговой травмы у детей с разной степенью тяжести. // Политравма. 2007. №2. С 15-18. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otdalennye-posledstviya-cherepno-mozgovoy-travmy-u-detey-s-raznoy-stepenyu-tyazhesti>;

5. Шалькевич Л.В., Львова О.А., Кулагин А.Е., Талабаев М.В., Ивашина Е.Н., Сулимов А.В. Черепно-мозговая травма у детей. Федеральное руководство по детской неврологии. Под ред. В.И. Гузевой. М.: ООО «МК»; 2016: 361- 377;

6. Spencer Criss et al. Suture-contact skull fractures in children: relevance for abuse-induced head injuries., 2021. V.217, No. 1. pp. 218-222. <https://doi.org/10.2214/AJR.20.23081>;

7. Haydel MJ, Weisbrod LJ, Saeed W. Pediatric Head Trauma. 2024 Feb 16. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2025 Jan–. PMID: 30725714;

## Информация об авторах:

1. Сағдуллаев Нарзулла Норкелди угли - Ассистент кафедры «Патологическая анатомия, судебная медицина, медицинское право» Термезского филиала Ташкентского государственного медицинского университета и заведующий отделением судебной морфологии Сурхондаринский филиал РНПЦ СМЭ МЗ РУз. тел: +998942885051. E-mail: [narzullatmatb91@gmail.com](mailto:narzullatmatb91@gmail.com); ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-7844-3715>;

2. Индиаминов Сайит Индиаминович - д.м.н., профессор. Зармедского университета. тел: +998933371090. E-mail: [sayit.indiaminov@bk.ru](mailto:sayit.indiaminov@bk.ru); ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-9361-085x>, индекс 100109;

3. Нурисломов Амриддин Фазлиддин угли - Ассистент Кафедра фундаментальных медицинских наук, Термезский университет экономики и сервиса, тел: +998 88 213 99 99. E-mail: [nurislomovamiriddin@gmail.com](mailto:nurislomovamiriddin@gmail.com), ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-7972-2802>;

4. Юнусова Наргиза Улугбековна - ассистент кафедры узбекского и иностранных языков Термезского филиала Ташкентского государственного медицинского университета. тел: +998995787969. E-mail: [nargiza.yunusova.1995@bk.ru](mailto:nargiza.yunusova.1995@bk.ru), <https://orcid.org/0009-0008-5914-9498>;



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

5. Суюнова Саодат Абдукадировна - Государственный судебный эксперт выше категории Сурхондаринский филиал РНПЦ СМЭ МЗ РУз. E-mail: [suyunovas769@gmail.com](mailto:suyunovas769@gmail.com); тел: +99899-626-47-22;

Источники финансирования: Работа не имела специального финансирования. Конфликт интересов: Авторы декларируют отсутствие явных и потенциальных конфликтов интересов, связанных с публикацией настоящей статьи. Вклад авторов:

Сагдуллаев Н.Н. — сбор и анализ источников литературы, написание текста.

